



қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасидир» деб белгиланган.

Украина Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2006 йил май қонунига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси – бу оммавий ёки шахсий ҳуқуқбузарлик қурбони бўлиш имкониятини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, бартараф этиш ёки заарсизлантиришга йўналтирилган ўзаро боғланган, ташкилий таъминланган давлат, жамият ва шахсий даражадаги чора-тадбирлар тизимиdir.

Россия Федерацияси, Қозоғистон, Молдова ва Беларусь республикаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонунларида ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси тушунчалари акс этмаган.

«Виктимология» сўзи энциклопедик ва изоҳли луғатларда лотинчадан «victim» – жабрланган, жабрланувчи ва юонча «logos» – таълимот, яъни жабрланувчилар ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Айрим тадқиқотларида «жабрланувчи» тушунчасидан кўра, «қурбон» тушунчаси нисбатан маъқул вариант эканлиги, уни виктимологик тадқиқот ўтказишида ёрдам бериши таъкидланган.

Жабрланувчи тушунчаси ва ҳуқуқий мақоми эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (*жабрланувчи жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар қўрган шахс (ЖПК 54-м.)*) ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (*жабрланувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс (МЖтК 295-м.)*) да мустаҳкамланган. Шунинг учун юридик жиҳатдан қурбон атамаси ўрнига жабрланувчи атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Профилактика (грекча профилактикос сақлагичли) тиббиётда касалликлар ва жароҳатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, уларни ривожлантирувчи омилларни бартараф этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлардир.

Бошқа манбада «профилактика» нимадир содир бўлишига йўл қўйиб бўлмайдиган дастлабки чоралар сифатида эътироф этилган.

Профилактика сўзининг туб маъноси ҳар қандай ҳодисаларни ёки хавф омилларининг олдини олишга ёки уларни бартараф этишга йўналтирилган турли хил комплекс чора-тадбирлардир.

Демак, ўғирлик жиноятининг виктимологик профилактикаси деганда фан ва қонунда мазкур жиноятни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни тушуниш мумкин.

Юқоридаги тушунчалар таҳлилидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ўғирлитк жиноятининг виктимологик профилактикаси уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, муайян шахснинг ҳуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши



хавфини камайтириш мақсадида қўлланиладиган чора-тадбирлар тизими деб тушуниш мумкин.